



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 2 ноябрь, № 233 (8013)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида 2022 йил учун солиқ тушумлари ҳамда бюджет параметрлари юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Давлат раҳбари мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, одамлар ҳаётини яхшилаш бош мақсад этиб белгилангани, бу тамойиллар бюджетни шакллантиришда ҳам бош мезон бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Шу боис келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджет лойиҳасида, аввало, ижтимоий йўналишларга катта эътибор қаратилган. Хусусан, таълим ва тиббиёт тизимига 58 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Президентимиз бу маблағга қўшимча тарзда яна 12 триллион сўм ажратиш таклифини билдирди. Чунки ҳудудлардаги эҳтиёж ва аҳоли талабидан келиб чиқиб, келгуси йилда 55 та янги дастур амалга оширилиши белгиланган.

Жумладан, чекка жойларда 1 минг 600 та болалар боғчаси ташкил этиши, Миллий таълим дастури доирасида 40 та янги мактаб қуриш ва 235 тасини таъмирлаш, дарсликларни янгилаш ҳамда компьютер синфлари очилиши каби кўплаб чоралар мўлжалланган.

Олий таълим тизимида ҳам вазифалар кўп. Хусусан, бакалавр йўналишида давлат грантлари, магистратура ва докторантурага қабуллар сонини ошириш, давлат-хусусий шериклик асосида ётоқхоналар қуришга субсидия бериш ҳамда 80 мингдан ортиқ талабалар ижара харажатларининг бир қисmini қоплаш кўзда тутилган.

Тиббиётнинг бирламчи бўғинини ривожлантириш ҳамда ҳудудларда юқори технологик

тиббий хизматларни жорий этишга келгуси йилда жами 8 триллион сўм ажратилиши мўлжалланмоқда. Шундан 1 триллион сўми онкогемотология, эндокринология, буйрак ва жигарни кўчириш каби дастурларга йўналтирилади. Коронавирусга қарши эмланганлар сонини 17 миллион нафарга етказиш, эҳтиёжманд аҳолига иxtисослашган тиббий хизматлар учун ҳам зарур маблағ ажратилади.

Президентимиз муаллим ва шифокорларнинг ойлик иш ҳақини босқичма-босқич ошириш зарурлигини таъкидлаб, бунинг учун қўшимча маблағ йўналтиришни таклиф қилди.

Давлат бюджет лойиҳасида ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш масалаларига ҳам кенг ўрин берилган. Уй-жойлар

ва ижтимоий объектлар қуриш, маҳаллаларни обод этиш чора-тадбирлари учун 26 триллион сўм ажратилиши режалаштирилган.

— Бу соҳаларга шу кунгача бундай катта маблағ берилмаган. Энди буни тартибли, самарали тарзда жой-жойига етказиш керак. Шунинг учун ҳар бир дастур бўйича ажратилган маблағларни мақсадли кўрсаткичлар билан боғлаган ҳолда, электрон назорат тизimini жорий этиш лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бюджет тизимида молиявий назоратни кучайтириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бунинг учун “темир интизом” билан, давлат харидлари тизимида ошқораликни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Молия вазирлигига келгуси йил 1 январдан тендерларни инсон омилсиз ўтказиш тизimini жорий қилиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, барча бюджет ташкилотлари бухгалтериясини тўлиқ рақамлаштириш, давлат харидлари бўйича ҳисоб-китобларни электрон ҳисоб-фактура орқали амалга ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари бюджет лойиҳасини маҳаллий Кенгашлар, тадбиркорлар ва аҳоли билан муҳокама қилиш, уларнинг таклифларини Олий Мажлисга муҳокамага киритиш лозимлигини таъкидлади.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

Ў.А.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



## МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК МУСТАҚАМЛАНАДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисига киритилиши режалаштирилган қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар қўриб чиқилди.

Мажлисида дастлаб, қўйи палата депутатларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан алоқаларини янада мустақамлаш масаласи Кенгаш аъзоларининг диққат марказида бўлди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳақиқий халқ ҳокимиятичилигини қарор топтириш ҳамда фуқаролар манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда вакиллик органларининг алоҳида ўрни бор. Юртимизда вакиллик органларини институциявий, ташкилий жиҳатдан тизимли равишда ривожлантириш, халқ вакилларининг фаолиятини доимий такомиллаштириб боришга устувор

аҳамият қаратилмоқда. Натижада парламентаризм институти фаолияти самарадорлиги сезиларли даражада ошди. Давлат бошқарувини ташкил этиш тизимида “халқ ҳокимиятичилиги” принципларига асосланган вакиллик органларининг роли ва таъсир доираси ортди.

Кейинги беш йил давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти самарадорлигини ошириш, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлигини таъминлаш, Кенгашлар фаолиятида доимий комиссияларнинг ўрни ва ролини кучайтириш муҳим босқичга кўтарилди.



## АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАР ҚАНДАЙ САҚЛАНМОҚДА?

Кеча Олий Мажлис Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

### Ўрганиш

Унда комиссия томонидан Бош прокуратура ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида олиб борилган “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун, соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари ижроси ва ушбу йўналиш учун ажратилган бюджет маблағлари мақсадли сарфланиши бўйича прокурор назорати ҳолатининг ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, дастлаб Кофирқалъа, Номсизтепа ҳамда Янгиариқ объектлари кўздан кечи-

рилади. Самарқанд археология институти ҳамда Самарқанд давлат музейи кўриқхонасида археология ашёларининг давлатга топширилганлиги, давлат каталогига рўйхатдан ўтказилганлиги, археология ашёлари ҳисобга олиниши ва сақланишида қонун талабига риоя қилиниши масалалари ҳам батафсил ўрганиб чиқилди.

Йиғилишда ўрганиш натижалари сенаторлар томонидан кескин танқид қилиниб, қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, маданий мерос бошқармаси томонидан археология мероси объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назорати етарлича

таъминланмагани оқибаотида 86 та археология объекти жиддий шикастланган ёки умуман йўқолиб кетган.

Ўтган 30 йил давомида археологик тадқиқотлар натижасида топилган ашёларнинг давлатга топширилиши ҳам етарлича назоратга олинмаган. Қанча ашё топилган ва қайси муассасаларга топширилгани ҳақида ҳаққоний ҳисобот йўқ. Қолаверса, ушбу масала мутасадди ташкилотлар томонидан умуман таҳлил қилинмаган. Масалан, топилган 4 минг 712 та ашё давлат рўйхатидан ўтказилмаган. Камга вилоятдаги мавзуд 973 та археология мероси объектларининг 477 тасида муҳофаза белгилари ўрнатилмаган.



## ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Мамлакатимиз туризм йўналишида жуда катта салоҳиятга эга. Буни сайёҳлик йўналишлари мисолида кўриш мумкин. Шу боис кейинги йилларда соҳани юртимиз салоҳияти даражасида ривожлантириш чоралари кўриб келинмоқда.

### Акс садо

Президентимизнинг шу йил 30 октябрда имзоланган “Туризм, маданий мерос ва музей-шунослик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасида туризм, маданий

мерос ва музейшунослик соҳаларида халқаро стандартларга мос узлуксиз таълим тизimini янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий талабларга мувофиқ юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнини йўлга қўйиш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш мақсад қилинган.

Муҳим янгилик сифатида “Ипак йўли” туризм халқаро университети

“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети этиб қайта номланаётганини келтириш мумкин.

Шу муносабат билан университет Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг туризм, маданий меросни бошқариш ва музейшунослик соҳаларида кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси ҳамда ушбу соҳаларни илмий ва инновацион тадқиқ этиш бўйича илмий даргоҳга айлантирилади.



## МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИГА ЗАРАР ЕТКАЗГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ЖАЗО ЧОРАЛАРИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистонда 8 минг 210 та моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объекти давлат муҳофазасига олинган бўлса-да, сўнгги йилларда тарихий обидаларни рухсатсиз ёки ўз билганича таъмирлаш-тиклаш ишлари кўпайган. Натижада уларнинг тарихий ва бадиий қиёфасига жиддий зарар етказилган.



## ЁШЛАР КАМОЛОТИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР ИФОДАСИ



### Хушxabар

Юртимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, истеъдод ва иқтидорини рўёбга чиқаришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Халқро таълим стандартларига мос Президент мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани юксак эътибор ифодасидир.

Ана шундай замонавий таълим масканларидан бири Термиз шаҳрида бунёд этилди. Мазкур Президент мактабини қуриш ва жиҳозлаш учун 41 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ТУРИЗМ, МАДАНИЙ МЕРОС ВА МУЗЕЙШУНОСЛИК СОҲАЛАРИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ УЗЛУКСИЗ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида халқаро стандартларга мос узлуксиз таълим тизimini янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий талабларига мувофиқ юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнини йўлга қўйиш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш мақсадида:

1. Туризм ва спорт вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси ва Самарқанд вилояти ҳокимлигининг:

а) “Ипак йўли” туризм халқаро университетини “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети этиб қайта номлаш;

б) “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетини (кейинги ўринларда — Университет) Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг туризм, маданий меросни бошқариш ва музейшунослик соҳаларида кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси ҳамда ушбу соҳаларни илмий ва инновацион тадқиқ этиш бўйича илмий муассасасига айлантириш;

в) қуйидагиларни:

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Шахрисабз, Марғилон ва Хива туризм ва сервис коллежлари негизида олий таълим тизimini билан интеграциялашган таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган Шахрисабз, Марғилон ва Хива туризм ва маданий мерос техникумларини (кейинги ўринларда — Маданий мерос техникумлари) ташкил этиш;

Самарқанд туризм ва сервис техникумининг Самарқанд туризм ва маданий мерос техникуми ҳамда Бухоро туризм техникумининг Бухоро туризм ва маданий мерос техникуми деб қайта номлаш;

Туризмни ривожлантириш институти, Маданий мерос техникумлари, Андижон, Зомин ва Бўстонлик туризм ва сервис коллежлари ҳамда Тошкент туризм ва бизнес коллежини Туризм ва спорт вазирлиги тузилмасига Университет тузилмасига ўтказиш;

г) Тошкент туризм ва сервис коллежи негизида Университетнинг Тошкент филиалини ташкил этиш;

д) Университетни Маданий мерос агентлиги ҳузуридаги Самарқанд археология институтининг илмий ва инновацион тадқиқотлар соҳасидаги ҳамда методик йўналишлардаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли орган этиб белгилаш;

е) “Ипак йўли” давлатлари тарихи, санъати ва цивилизацияларини тадқиқ ва намойиш этиш учун Университет ҳузурида:

“Ипак йўли” халқаро тадқиқот институти; “Ипак йўли” музейи; “Ипак йўли” арт-резиденцияси; “Ипак йўли” санъат галереяси; Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар: “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТУРИЗМ, МАДАНИЙ МЕРОС ВА МУЗЕЙШУНОСЛИК СОҲАЛАРИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ УЗЛУКСИЗ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА



“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети Васийлик кенгашининг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки: а) Университетнинг Васийлик кенгашига: Туризмни ривожлантириш институти, “Ипак йўли” халқаро тадқиқот институти, “Ипак йўли” музейи, “Ипак йўли” арт-резиденцияси, “Ипак йўли” санъат галереяси ҳамда Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказининг тузилмалари ва низомларини тасдиқлаш, шунингдек, улар бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилаш;

Туризмни ривожлантириш институти, “Ипак йўли” халқаро тадқиқот институти, “Ипак йўли” музейи, “Ипак йўли” арт-резиденцияси, “Ипак йўли” санъат галереяси ҳамда Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази директорини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходимларга уларнинг иш ҳажми ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошининг 200 фоизгача бўлган миқдорда қўшимча ойлик устамалар белгилаш;

Университет бош менежери ва ректорининг вазифа ҳамда функцияларини тасдиқлаш ҳуқуқи берилди; б) ҳар йили Университетга Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо мамлакатлар фуқароларига магистратурада давлат гранти асосида таълим олиш учун 85 та ўрин ажратилди.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Университетнинг хорижий профессор-ўқитувчилари ва иزلанувчилари учун хизмат тураржий сифатида 20 та уй-жой ажратиб берилишини таъминласин.

4. Туризм ва спорт вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда: а) Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда:

Самарқанд ветеринария медицинаси институтига қарашли, Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Қошғарий кўчаси, 85/“А”-уй манзилида жойлашган, ўқув жараёнида фойдаланилмаётган бинони “Ипак йўли” арт-резиденциясига;

Самарқанд вилояти ҳокимлиги қарашли, Самарқанд шаҳри, Нодирбағим кўчаси, 4-“А” уй манзилида жойлашган ётоқхона биносини Самарқанд ветеринария медицинаси институтига; б) Кинематография агентлиги билан биргаликда Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган собиқ кинотеатр биносини “Ипак йўли” санъат галереясига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул ўтказиб берилишини таъминласин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Кинематография агентлиги бир ой муддатда мазкур бандда келтирилган бино ва иншоотларни бепул ўтказиб бериш бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилишини таъминласин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга қўра:

туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларидаги истиқболли мутахассислар, айниқса, педагоглар, илмий кадрлар ва реставраторларни танлаш ва уларнинг таълим олишини ташкил этиш учун “Эл-юрт умиди” жамғармасининг 2022 — 2026 йилларда хориждаги нуфузли таълим муассасаларида туризм, маданий мерос ва музейшунослик йўналишларида докторантура (PhD) ва магистратурада ўқитиш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) жорий қилинади;

Дастур доирасида мутахассисларни хорижий мамлакатларнинг нуфузли таълим ва илмий муассасаларида таълим олишга юбориш “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижда таълим олиш учун номзодларни танлаб олиш тартибига мувофиқ амалга оширилади;

Дастур доирасида 50 нафар иқтидорли мутахассислар, шу жумладан, уларнинг 40 нафари магистратура босқичида ва 10 нафари докторантура (PhD) босқичида ўқитилади;

Дастур доирасида хорижий таълим ва илмий муассасаларда тахсил олиб, магистратура ва докторантурани битириб қайтган мутахассисларга Туризм ва спорт вазирлигининг йўлнамаси асосида таълим муассасалари ҳамда маданий мерос ва музейшунослик соҳаларидаги ташкилотларда камиди 5 йил давомида узлуksиз фаолият олиб бориш ёки хорижда таълим олиш харажатларини 12 ой давомида икки баравар миқдорда “Эл-юрт умиди” жамғармасига қайтариш мажбурияти юкланади.

6. Белгилаб қўйилсинки: а) Маданий мерос техникумлари фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари; тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар; хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомилийк хайриялари; қўнunchилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

б) Туризмни ривожлантириш институти фаолиятини молиялаштириш:

бинолар ва иншоотларни сақлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, Институт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилмайдиган маблағлар;

давлат илмий дастурларини амалга ошириш учун ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси; илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлил ишларини амалга оширишдан, шартнома асосида бажарилмайдиган таълим ва бошқа хизматлардан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомилийк хайриялари; қўнunchилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

в) “Ипак йўли” халқаро тадқиқот институти, “Ипак йўли” музейи, “Ипак йўли” арт-резиденцияси, “Ипак йўли” санъат галереяси ҳамда Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари; илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлил ишларини амалга оширишдан, шартнома асосида бажарилмайдиган хизматлардан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомилийк хайриялари; қўнunchилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

г) Университетнинг Тошкент филиали фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари; тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар; хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомилийк хайриялари; халқаро молия институтиларнинг грантлари; қўнunchилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

7. Туризм ва спорт вазирлиги:

Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Университет кутубхонаси, унинг ташкилий тузилмасига кирувчи техникумлар ва коллежлар ҳамда Туризмни ривожлантириш институтининг лабораториясини замонавий ускуналар ва бутловчи қисмлар билан жиҳозлаш бўйича тақлим ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар Университет хузуридаги “Ипак йўли” халқаро тадқиқот институти, “Ипак йўли” музейи, “Ипак йўли” арт-резиденцияси, “Ипак йўли” санъат галереяси ҳамда Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 2022 йил 1 майга қадар Тошкент туризм ва сервис коллежи негизида Университетнинг Тошкент филиалини ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда Университетнинг Тошкент филиали ҳамда мазкур қарорга мувофиқ Самарқанд ветеринария медицинаси институтига берилмаётган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритилишини таъминласин.

8. Молия вазирлиги:

“Ипак йўли” халқаро тадқиқот институти, “Ипак йўли” музейи, “Ипак йўли” арт-резиденцияси, “Ипак йўли” санъат галереяси, Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази, Университетнинг Тошкент филиали ва ташкилий тузилмасига кирувчи техникумлар ва коллежлар ҳамда Туризмни ривожлантириш институтини сақлаш харажатлари учун 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида маблағ ажратилишини;

2022 йилдан 2026 йилга қадар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида “Эл-юрт умиди” жамғармасига Дастур доирасида нуфузли таълим ва илмий

муассасаларда докторантура (PhD) ва магистратурада ўқитиш учун маблағ ажратилишини назарда тутсин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги:

Университет профессор-ўқитувчилари, Туризмни ривожлантириш институти ходимларининг етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида малакасини ошириш ва амалиётини ташкил этишда, шунингдек, илгор хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан халқаро алоқаларни ўрнатишда Туризм ва спорт вазирлигига амалий ёрдам кўрсатсин;

Туризм ва спорт вазирлигининг бюротманомасига кўра Университет, Мадааний мерос техникумлари ва Туризмни ривожлантириш институтининг илмий ва ўқув жараёнида иштирок этувчи хорижий мутахассисларга, профессор-ўқитувчиларга ва илмий ходимларга кириш визалари консуллик йўғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йўғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Туризм ва спорт вазирлиги:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрга қадар етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг тахрибасини ўрганиб, кадрлар буюртмачиси бўлган ташкилотларнинг тақлифларини инобатга олган ҳолда, туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳасидаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 июнга қадар Мадааний мерос техникумлари ҳамда туризм ва сервис коллежларига хорижий ҳамкор ташкилотларни жалб қилиш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида мақолалар эълон қилиниши ва тематик кўрсатувлар ташкил этилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

13. Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қўнunchилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туризм ва спорт вазирининг ўринбосари А.У.Аққулов белгиласин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 30 октябрь

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ



Спикер Нурдинжон Исмоиловнинг таъкидлашича, бугунги кунда Олий Мажлис Қўнunchилик палатаси билан маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги амалий ҳамкорлик тобора кучайиб бормоқда. Ушбу муносабатларни янада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Масалан, алоқаларни ривожлантириш учун маҳаллий Кенгашлар депутатларини қуйи палатанинг қўмита, фракция ва ҳатто ялли мажлисларига ҳам тақлим қилиш керак. Зеро, улар мазкур ишлари билан қўнunchилик ҳужжатлари қай тартибда муҳокама қилинаётгани, қайси масалаларга ёндашув қандай кечаётгани ҳақида тасаввурга эга бўлади.

Мажлисда Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси Илҳом Абдуллаев бир қатор хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини мисол қилиб келтирди.

— Бу борадаги ўзаро ҳамкорлик Қўнunchилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўртасидаги ҳамжихатликни мустаҳкамлайди, қуйи бўғинда ҳар бир сиёсий партия ўртасида соғлом рақобатни юзага келтиради, — деди И. Абдуллаев.

Кенгаш мажлисида Қўнunchилик палатаси фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ



Унинг имкониятини янада ошириш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Шахрисабз, Марғилон, Хива туризм ва сервис коллежлари негизда олий таълим тизими билан интеграциялашган таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган Мадааний мерос техникумлари очилади. Самарқанд туризм ва сервис техникуми Самарқанд туризм ва маданий мерос техникуми, Бухоро туризм техникуми эса Бухоро туризм ва маданий мерос техникуми деб қайта номланади. Шу билан бирга, Туризмни ривожлантириш институти, Мадааний мерос техникумлари,

Андижон, Зомин, Бўстонлик туризм ва сервис коллежлари ҳамда Тошкент туризм ва бизнес коллежи университет ихтиёрига ўтказиб берилди. Айни чоғда Тошкент туризм ва сервис коллежи негизида янги таълим муассасасининг Тошкент филиали ташкил этилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Қарор билан “Ипак йўли” давлатлари тарихи, санъати ва цивилизацияларини тадқиқ этиш ва уни бутун дунёга намойиш қилиш мақсади ҳам кўзда тутилган. Бунинг учун янги университет тизимида халқаро тадқиқот институти, музейи, арт-резиденция, санъат галереяси ҳамда Реставраторларни қайта ўқитиш

ва малакасини ошириш маркази йўлга қўйилди.

Тизим учун малакали кадрларни етиштириш мақсадида туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларидаги истиқболли мутахассислар, айниқса, педагоглар, илмий кадрлар ва реставраторларни танлаш ва уларнинг таълим олишини ташкил этиш учун “Эл-юрт умиди” жамғармасининг 2022 — 2026 йилларда хориждаги нуфузли таълим муассасаларида туризм, маданий мерос ва музейшунослик йўналишларида докторантура (PhD) ва магистратурада ўқитиш дастури жорий қилинади.

Эътиборлиси, дастур доирасида 50 нафар иқтидорли мутахассис — 40 нафари магистратура, 10 нафари докторантура (PhD) босқичида ўқитилади.

Кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбарининг бу қарори билан туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳалари учун етук кадрларни тайёрлаш орқали маданий мерос йўналишларини янада ривожлантириш мақсад қилинган. Бу эса мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида айни муддаодир.

Умарбек ШАРИПОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИГА ЗАРАР ЕТКАЗГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ЖАЗО ЧОРАЛАРИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ



Олий Мажлис Қўнunchилик палатасидаги “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида айнан бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган “Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнunchилик ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қўнunchилик лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди.

— Инсон ҳаётини қайтариб бўлмаганидек, моддий маданий объектларга ҳам зарар етказилдики, уни асл ҳолида тиклаб бўлмайди, — деди фракция раҳбари Алишер Қодиров. — Айрим масъулиятсиз шахслар олдида бу борадаги қўнunchиликнинг ҳам таъбир жоиз бўлса, қизил чироқ ёқа олмапти. Шу боис жазо чоралари кескин кучайтирилиши лозим.

Бош прокуратура томонидан мамлакат бўйича сўнгги уч йилда 320 та моддий маданий мерос объектида амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ишлари ҳужжатлари ўрганилган ва қўллаб қўнunchилик ҳолатлари йўл қўйилгани аниқланган. Жумладан, биргина Ситорай Моҳи Хоса тарихий

мажмуасида реставрация ишлари нотўғри олиб борилгани натижасида унинг бадий безаклари, нақш, қошинлари нобуд қилиниб, тарихий ва бадий қийматига жами 28 миллиард сўмлик зарар етказилган.

Амалдаги қўнunchиликка кўра, Мадааний мерос департаменти Илмий-эксперт кенгашининг рухсатсиз маданий мерос объектларида биринчи реставрация ёки таъмирлаш ишларини амалга ошириш мумкин эмас. Лекин Илмий-эксперт кенгаши рухсатсиз 14 та объектда жами 12 454,9 миллион сўмлик таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилган.

Айрим шахслар томонидан, ҳатто мансабдорлар рухсати билан минг йиллик тарихга эга обидаларимизга тиклаб бўлмас даражада зарар етказилган. Амалдаги Жиноят кодексининг 132-моддасига кўра, бу ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига қиради ва ушбу модда билан 2017 — 2021 йилларда жами 14 та жиноят иши қўзғатилган.

Қўнunchилик лойиҳасида моддий маданий мерос объектларига зарар етказган шахсларга нисбатан жазо чоралари янада кучайтирилмоқда. Шунингдек, мансабдор шахслар иштиро-

«Халқ сўзи».



Мақтаб 168 ўринга мўлжалланган бўлиб, икки қаватли ўқув биноси, ошхона, ётоқхона, спорт зали зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Ушбу Президент мактаби тақдимот маросимида вилот ва шаҳар ҳокимлиги ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари, ўқувчи ёшлар ва уларнинг ота-оналари қатнашди.

Тадбирда Сурхондарё вилоти ҳокими Тура Боболов иштирок этиб, педагогик жамоа ва ўқувчи-ёшларни табриқлади.

— Президент мактаби ўқувчиси бўлиш бугунги кунда том маънода юртимиз ёшлари қалбидаги орзу-хавасга

айланиб улгурди. Сурхон воҳасида яшовчи 9 минг нафардан ошқ ёшлар мазкур таълим даргоҳида ўқишга талабгор бўлгани ҳам шундан далолат бермоқда. Имтиҳонлар натижасида энг билимли, юқори интеллектуал салоҳиятга интилувчан ёшлар ана шу бахтга муяссар бўлди. Уз олдига аниқ мақсадларни қўйиб, ўқиб-ўрганган бу йўналишда иштирок этиш, унинг Ренессанс пойдеворини қўйишда ёшларимиз хал қилувчи ўрин тутиши муқаррар, — деди вилот раҳбари.

Дарҳақиқат, мактабга 2021/2022 ўқув



ЁШЛАР КАМОЛОТИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

йилида таълим олиш истагини билдириб онлайн шаклда ҳужжат топширган 9 минг 74 талабгорнинг билим ва қобилияти икки босқичда синовдан ўтказилди. Натижада 144 нафар ўқувчи ўқишга қабул қилинди.

— Ўқув даргоҳимизда жаҳон стандартларига жавоб берадиган шароитлар яратилган, — деди Президент мактаби ижрочи директори Фофур Тоғаев. — Таълим жараёни Cambridge университетини билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлар асосида олиб борилади. Хусусан, ўқувчиларга табиий ва аниқ фанлар, ахборот технологияларига оид фан асослари ма-

ҳаллий ва чет эллик малакали мутахассислар томонидан ўқутилади. Бу ердаги таълим-тарбия ишларига 12 нафар хорижий, 20 нафар маҳаллий педагог жалб этилган. Мақтаб битирувчилари келгусида Янги Ўзбекистон университетини ҳамда дунёнинг энг етакчи олий таълим муассасаларида тахсилни давом эттириш салоҳиятига эга бўлади, деган умиддамиз.

Тадбирда Президент таълим муассасалари агентлиги директори Хилола Умарова қатнашди.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).



Ўзбекистонда кўплаб соҳа ва тармоқларда сунъий интеллект воситалари, дастурлар, роботлари кўллаш бўйича жиддий чора-тадбирлар кўриляпти.

техникалар, жумладан, комбайнлар ишини мониторинг қилиш жараёнида, тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш самардорлигини ошириш ва улар томонидан тартибга солиш талаблари (SubTech ва RegTech) бажарилишини соддаштириш, хизматлар кўрсатиш сифатини тахлил қилиш, фойдаланувчиларни масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) ва кредит таваккалчиликларини баҳолашда сунъий интеллектдан фойдаланилади.

Сунъий интеллектни ривожлантириш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида, шунингдек, ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий базани тайёрлашда маънавият сифатида қатнашиши учун "Сбер" гуруҳининг (Россия) етакчи мутахассислари ва экспертлари жалб қилиниши кўзда тутилган.

Тақомилнинг чегараси борми? Сунъий ақл атамаси биринчи марта 1956 йилда АҚШнинг Дартмут университетида бўлиб ўтган илмий конференцияда олим Жон Маккартининг нутқида ишлатилган. Фақат 61 йил ўтган, кўплаб шахматчиларни хайратга солган "AlphaZero" интеллектуал дастури яратилди. Уни ўша

транспорт воситалари, самолётлар, шифокорлик тиббий диагностика, янги дори воситалари яратиш, кундалик ҳаётдаги барча юмушлар — пиширишдан тартиб қилишга қадар ушбу роботларнинг қўли билан қилинади.

Сунъий интеллект Алишер Навоий каби ғазал бита оладими, Рафаэл сингари расм чизиши, Толстой сингари роман ёзиши ёки Паганини сингари скрипка чалиши мумкинми? Бу саволларга жавоб бериш мушкул. Бироқ сунъий интеллектнинг тадрижий ривожини бир вақтлар фақат ҳаёл бўлган воқеликларни бугун ҳаётга кўчирмоқда.

пайтдаги энг кучли бошқа "Stockfish8" компьютер дастури билан куч синишига солиштирилади. Нима учун дерсиз, чунки ушбу дастур барча чемпиону тождор шахматчиларни бемалол мағлуб этарди-да. "Stockfish8" бир сонияда 80 миллион юришни тахлил қилиши мумкин бўлган. Фараз қилинганда, биз ролданми, дегуни-мизча, сунъий интеллект шунча вази-фаларни бажаради. Ақл бовар қилмайди. Миямига сизгидира олмайдиган ҳақиқат бу. Бироқ "AlphaZero" дастури барча машхур шахматчиларнинг оёғини қاپиратган дастурни осонликча 4-соат ичида 100 партияда дабдаласини чиқариб ташлади.

лектуал кунлар ва маблаглар ташланган. Дунёда эълон қилинаётган ҳар тўртта мақоладан бири биотехнологияга тегишли бўлса, ундан иккинчи мия тўғрисидаги фанга бағишланган. Нима учун? Чунки мия — бу биз. Бироқ миянинг тилсимлари шунчалик кўпки, ердаги технологиялар кучи улар қосида оқиб.

Улар, ҳақиқатан ҳам, ярата олади

Сунъий интеллект Алишер Навоий каби ғазал бита оладими, Рафаэл сингари расм чизиши, Толстой сингари роман ёзиши ёки Паганини сингари скрипка чалиши мумкинми? Бу саволларга жавоб бериш мушкул. Бироқ сунъий интеллектнинг тадрижий ривожини бир вақтлар фақат ҳаёл бўлган воқеликларни бугун ҳаётга кўчирмоқда.

Шундай экан, кейинги 60 — 100 йил ичида бизни нима кутмоқда? Сунъий интеллектларга фикрлаш, билимини тўлдириб бериш каби схемалар жойлаштирилса-я! Ўз-ўзини тиклайдиган терминаторлар қозлаб, минглаб, миллионлаб пайдо бўлса-чи? Одамзоднинг ҳоли нима кечади?

Миядаги энг кучли бошқа "Stockfish8" компьютер дастури билан куч синишига солиштирилади. Нима учун дерсиз, чунки ушбу дастур барча чемпиону тождор шахматчиларни бемалол мағлуб этарди-да. "Stockfish8" бир сонияда 80 миллион юришни тахлил қилиши мумкин бўлган. Фараз қилинганда, биз ролданми, дегуни-мизча, сунъий интеллект шунча вази-фаларни бажаради. Ақл бовар қилмайди. Миямига сизгидира олмайдиган ҳақиқат бу. Бироқ "AlphaZero" дастури барча машхур шахматчиларнинг оёғини қاپиратган дастурни осонликча 4-соат ичида 100 партияда дабдаласини чиқариб ташлади.

Авалроқ, яна бир сунъий интеллект нашр этилмаган 11 минг китобни тахлил қилиб, иккита роман ва қисса ёзганди. Бугунги кунда бундай сунъий воситалар шеърлар ёзиши, эртақлар ўйлаб топиши, ҳатто ҳайкалларни чаплаб ҳосил қилиши мумкин. Лекин уларнинг икитидори, қобилияти вафо ва садоқат куйчиси шоира Зулфия даражасида, "Қизил қалпоқча" эртагини тўқиган Шарл Перо ёки "Венера" ҳайкалининг ясаган Праксител каби эмас-дир, бироқ асосийси, улар, ҳақиқатан ҳам, ярата олмақда. Одам боласининг энг фаол ҳаёт тарзи билан уйғунлашиб, инсон онги доирасида ақли етадиган ҳар нарса билан шугулланишга уриняпти.

Ҳа, тасаввур қилиш қийин, аммо сунъий интеллект ривожланиши охири-қибат нимага олиб келишини олдиндан айтиш қийин. Ахир унинг оддий компютер дастурларидан асосий фарқи — бу ўз-ўзини ўрганиш, ўз-ўзини тақомиллаштириш имконияти. Шу сабаб уни мияга қиёслаб, бежиз "нейрон тармоғи" деб аташмайди. Бошқача айтганда, сунъий интеллект ўзини ўзи ясай олади. Шу ўринда бир муҳим савол: принципал жиҳатдан сунъий интеллектни тақомиллаштиришнинг чегараси борми? Охири-қибат у инсоният устидан ҳукмронлик қилмайди-ми? Ҳозирги кунда бу ҳақда фикрлар турлича. Масалан, бошқа миллионлардан сингари ўз маблагини ҳашаматли ахтарларга эмас, балки инсониятни ривожланишининг юқори босқичига кўтаришга сарфлайдиган Илон Маск "Сунъий интеллект ақини орада ядро бомбасидан ҳам дахшатли бўлиб қолади", деб ҳисоблайди. "Facebook" ағаси Марк Цукерберг эса "Янги технологиялар ҳар доим ҳам яхшилик ёки ёмонлик қилиш мақсадида яратилиши мумкин. Сунъий интеллектнинг кенг тарқалиши ордидан келадиган ижо-

қотчилари исботлашга уринмоқда. Нейрон тармоғи ақлий юкланишини ўлчаш аниқлиги бўйича олдинда бўлса-да, аммо ҳис-туйғуларни баҳолашда ҳозирча муваффақиятсизликка учради.

Мия — бу биз

Кизиқ, парадоксал вазият: "Вояджер" ва "Пионер" деган зондлар бошқа галактикага учяпти дейлик, аммо биз ерда, икки кулоқларимиз орасидаги кўкиш-оқ, бир ярим кило оғирликдаги мия деб аталган биомассанинг қандай ишлашини ҳали-гача идрок эта олмаймиз.

рида масофавий алоқаларга шошилиниқ эйтиб мавжуд. Шу кунларда даяроли барча алоқалар чатлар, тезкор хабарчи-лар (мессенжерлар), электрон почта орқали аудио ва матн форматда амалга ошириляпти.

бемаъни. Ходисаларнинг маъносини математик ҳисоб-китоблар эмас, балки тир-ки мавжудот беради. Шундай қилиб, сунъий интеллектни ўрганадиган кўплаб олимлар-нинг фикрига кўра, тирлик ҳамда сунъий ақл ўртасидаги фарқ, биринчи навбатда, сифатга эга ва умуман миқдорий эмас.

СУНЪИЙ АҚЛ МЎЪЖИЗАЛАРИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Ҳодисаларнинг маъносини математик ҳисоб-китоблар эмас, балки тирик мавжудот беради. Шундай қилиб, сунъий интеллектни ўрганадиган кўплаб олимларнинг фикрига кўра, тирлик ҳамда сунъий ақл ўртасидаги фарқ, биринчи навбатда, сифатга эга ва умуман миқдорий эмас.

қотчилари исботлашга уринмоқда. Нейрон тармоғи ақлий юкланишини ўлчаш аниқлиги бўйича олдинда бўлса-да, аммо ҳис-туйғуларни баҳолашда ҳозирча муваффақиятсизликка учради.

Машина одамнинг ўрни боса оладими? "UNESCO Courier" журналининг 2018 йил 3-сонида аргентиналик файласуф ва психоаналитик Мигел Бенасая билан сунъий интеллектга боғлиқ суҳбат берилган. Олимнинг фикрича, тирик мавжудотнинг бутун мураккаблигини компютер коди билан ифода этиш ҳеч бир ҳақиқатга тўғри келмайди, тирлик ақл — бу ҳисоблаш машинаси эмас...

Истиқболли бизнес Пало Алто Калифорниядаги Силикон водийсининг марказида жойлашган ва унинг тарихий маркази ҳисобланади. Баъзан уни ҳатто Силикон водийсининг но-расмий пойтахти ҳам дейишади. Шу сабабли, шаҳарнинг ўзида ва унинг чекка-сида технологик компанияларнинг, жум-ладан, "Facebook", "Google", "Hewlett-Packard", "Xerox", "Apple", "Tesla Motors" каби гигантларнинг юқори концентрация-си мавжуд.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 28 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЎМАЗЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНАВАДИ ВА МУАЛЛАҒГА ҚАЙТАРИЛАЙДИ. ГАЗЕТАНИНГ ОЎҚАБ БЕРИЛИШИ УЧУН ОБУВАНИ РАСМИЙЛАШТИРГАН ТАШКИЛОТ ЖАВОБГАР. ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРМИЛ ҲАМДА ОПЕРАТОР А. ИСМАИЛОВ ТОМОНИДАН САЎДЛАНАДИ. ГАЗЕТАНИНГ ПОЛИГРАФИК АҲДАТДАН СИФАТЛИ ЧОП ЭТИЛИШИГА "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МАСЪУЛ. БОСМАХОНА ТЕЛЕФОНИ: 71-233-11-07.